Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · ХДП

• 2014-yil, 22-aprel. Seshanba • 48 (31.795) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 апрель куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Испания Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Хосе Мануэль Гарсиа-Маргальони қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражада эканини мамнуният билан таъкидлади. Бугунги куннинг долзарб халқаро ва минтақавий масалаларини ҳал этишда Испаниянинг ўрни ва роли юқори эканини қайд этди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва устувор йўналишлари, халқаро ҳаёт, жумладан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Испания билан Европа Иттифоқидаги муҳим ва ишончли шерикларидан бири сифатида барча йўналишлардаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидланди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва барқарор ўсиш суръатлари, мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароит ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон бозорида Испаниянинг «Тальго», «Максам», «Инитек энергия» каби етакчи компаниялари фаол иш юритаётгани икки томонлама самарали ҳамкорликнинг муваффақиятига мисол бўла олади.

Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг доимий мулоқотлари иқтисодиётнинг турли соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш ортиб бораётганидан далолат бермоқда. Ислом Каримов шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган бизнес-форум ишига муваффақият тилади. Ушбу анжуманда иштирок этиш учун Испаниянинг инфратузилма лойиҳалари ва юқори технологиялар соҳалари вакилларидан иборат нуфузли делегация ташриф буюрган.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликка оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Х.М.Гарсиа-Маргальо самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этиб, ҳукумат Раиси Мариано Рахой Брей давлатимиз раҳбарига Испанияга расмий ташриф буюришни таклиф этганини билдирди. Меҳмон Испания раҳбарияти бундан буён ҳам очиқ сиёсий мулоқот ва икки томонлама манфаатли барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА**

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



## Соғлом бола йили ғоялари

***партиямиз Сайловолди дастури билан ҳамоҳанг. Шу боис унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоғимиз зарур.***

«Мен пленумда шунчаки қатнашгани келмадим. «Истиқбол» ёшлар қаноти партиянинг муҳим бўғини саналади. Партия сафидаги ёшлар ташаббускор ва фаол бўлса, партия янгиланиб, янада кучайиб бораверади. Шу боис пленумда фаолиятимизни ривожлантиришга доир таклифларимни билдирмоқчиман».

► *Давоми 2-бетда.*

МУНОСАБАТ

## Тинчлик-омонлик шукронаси

*Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонини ўқиб, бундай даражадаги эътибордан жуда қувондим, кўнглим тоғдек кўтарилди, шукроналик туйғуларидан ҳаяжонга тушдим.*

Эсимда, ўн бир нафар бола мактабнинг 10-синфида ўқирдик. Ўз хоҳишимиз билан урушга жўнатинг, деб ариза берганмиз. Эртаси куниёқ рухсат тегди. Поездда фронтга жўнаб кетдик.

Россия, Белорусь, Польша, Германия жанггоҳларида бўлдик. Уруш ўз номи билан урушда. Атиги тўрт киши жангдан омон қайтдик. Келишим билан хизматга киришдим. Кўп вазифаларда ишладим. Уруш асоратларини тугатиш, издан чиққан ҳаётни ўнглаш учун куну тун меҳнат қилдик... Турли мусибатларни бошимиздан ўтказдик. Худога шукр, ҳурлик замонларга етдик, ҳақиқий қадр топдик. Давлатимиз ва жамоатчиликнинг бизга эътиборини доим ҳис этиб турибмиз. Урушда қатнашган жангчиларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида ёдгорликлар яратилди, китоб чоп эттирилди. Очиғини айтай, бу хайрли ишларнинг ҳаммаси Президентимизнинг ташаббуси билан бўлмоқда.

Ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида уруш қатнашчиларига яна бир бор алоҳида ҳурмат кўрсатилиб келинмоқда. Биз бу эътиборни яхши ҳис қиламиз, жуда қадрлаймиз.

Яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Мустақиллик даврида ҳарбий хизматни ўтаётган фарзандларимизни кўриб, кўзимга ёш қалқийди. Биз замонавий техникаларни ишлатишни билмас эдик. Ҳозирги ёшлар эса нафақат ҳарбий билимларни, балки замонавий фан-техника воситаларидан ҳам мустақил фойдалана олишади. Биз, уруш қатнашчилари тинчлик замонида шундай буюк бунёдкорлик ишларини, айниқса, ёшларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқларини кўриб, Яратганга беадад шукроналар айтамиз. Биз учун энг катта мукофот шу эмасми?..

Юртимизда ёшларга, кексаларга, айниқса, кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган эътибор, ёрдамни четдан келганлар ҳам кўп эътироф этишади. Ҳақиқатан ҳам юртимизда чинакам инсонпарварлик сиёсати юритилмоқда. Мен ҳозир ҳам қўлимдан келгунча элимга, юртимга хизмат қилай, дейман. Илоҳим, Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Тинчлигимиз ва ободлигимиз учун меҳнат қилаётганларнинг бошлари омон бўлсин!

**Мадаминжон ҲАСАНОВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.**

## Аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш тизими янада мустаҳкамланмоқда

**Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотлар халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатининг ортиб боришида, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиши ва юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари янада мустаҳкамланмоқда. Халқимиз манфаатларига мос бундай амалий ишларни рўёбга чиқаришда мамлакатимиз умумий юрисдикция судлари ҳам изчил фаолият юритмоқда.

► *Давоми 3-бетда.*

### ЎзХДП Сайловолди дастуридан

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг норматив асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари масъулиятини кучайтириш учун курашади. Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди.***

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

**Аввал хабар қилганимиздек, 2014 йилнинг 25 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган мажлисида депутатларнинг сайлов округида олиб борган фаолияти якунлари таҳлил қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинган эди.**

## Парламент эшитувига

### тайёргарлик кўрилмоқда

Хусусан, мажлисда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, кейинги йиллар учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиш механизми ва услубларини янада такомиллаштириш мақсадида парламент эшитуви ўтказиш таклифи илгари сурилган эди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракция аъзолари, партия фаоллари, экспертлар ва мутахассислардан иборат ЎзХДП фракцияси ишчи гуруҳининг парламент эшитувини ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

► *Давоми 2-бетда.*

## Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари эъзоз ва эътиборда

***Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос азалий фазилатдир. Айниқса, умрини Ватан ҳимоясига, юрт тараққиётига бағишлаган кишиларни халқимиз бошига кўтариб, ҳамиша қадрлаб келади. Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони кексаларимизга, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир юксак намунаси, десам партиядошларимиз фикрини ифодалаган бўламан.***

Бугунги кунда Каттақўрғон шаҳрида 16 нафар уруш қатнашчиси, 216 нафар фронт ортида меҳнат қилган отахон ва онахон истиқомат қилмоқда. Улар ёшлар билан бўлган учрашув ва суҳбатларда уруш инсоният бошига солган беҳисоб кулфатлар ҳақида ҳикоя қилиб, бугунги тинч ва осойишта, бахтли ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидай асраш кераклигини уқтиришмоқда.

Биз партиямиз ғояларидан келиб чиқиб, уруш қатнашчилари бўлган кишилар ҳолидан доимо хабардор бўлиб турамиз. Биринчидан, улар пенсионер ва ногирон сифатида партиямиз электорати ҳисобланади. Иккинчидан, бугунги тинч, фаровон ҳаётимиз учун улардан катта қарздормиз. Бундай инсонларга ҳурмат, эҳтиром кўрсатишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз, деб биламан.

Президентимиз фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирокида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, бошланғич ташкилотлари етакчилари, депутатлари фармонда белгиланган тадбирларни ташкиллаштириш, табаррук кексаларимизга муносиб ҳурмат кўрсатиш ишларида фаол қатнашишлари зарур.

Президентимизнинг мазкур фармони эзгу қадриятларимизни асраб-авайлаш, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, тинч ва осойишта кунларимизнинг қадрига етишимизда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

**Тоҳир ҲАМИДОВ,**
**ЎзХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

### Ваколат кенгайгани сари масъулият ҳам ошади

**ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши пленумида бу фикр алоҳида таъкидланди**



**www.uzbekistonovozi.uz**

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## Баркамол авлод орзуси

**— Халқимиз ўз фарзанди учун борини бахшида этади, унинг саломатлигини ҳар нарсадан устун қўяди. Шу боис соғлом болани вояга етказиш, улар учун зарур шарт-шароит яратишга юртимизда жуда катта эътибор қаратиляпти.**

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар баркамол авлодни тарбиялашдаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқади. Бизнинг партия кенгашимиз ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги гуруҳимиз ҳам асосий ғояларимиздан келиб чиқиб, мазкур Давлат дастури ижросида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда, — деди **Ўзбекистон ХДП Тошлоқ туман Кенгаши раиси ўринбосари Турсунбой Солиев туман партия кенгаши томонидан ўтказилган «Соғлом авлод — соғлом келажак»** мавзусидаги семинарда.

Тадбирда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели яратилган, — деди **туман «Саломатлик маркази» шифокори Орзихон Мирзараҳмонова.** — Сўнгги ўн йилда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. Туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бу ЎзХДП Дастуридаги соғлом миллатни тарбиялаш ғояларига ҳамоҳангдир.

Сўнгги ўн йилда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробарга ҳамда туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди.

Давра суҳбатида, шунингдек, туман партия кенгаши раиси У.Маҳмудов халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Э.Раҳматов ва бошқалар сўзга чиқиб, фарзандларимиз соғлиғи учун мутасадди ташкилотлар билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғинлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб бориши лозимлигини қайд этишди. Партиямиз электорати манфаатини таъминлашда бунинг аҳамияти катта эканига эътибор қаратишди. Давлат дастури ижросини таъминлашда бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлигини янада ошириш кераклиги уқтирилди.

**Зиёдахон САРИМСОҚОВА,**
**ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши масъул ходими.**

**Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи йиғилишида Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг 2014 йил уч ойидаги ижроси юзасидан Фарғона, Қўқон шаҳар ҳамда Ёзёвон, Қўштепа ва Данғара туман ҳокимликларининг ҳисоботлари эшитилди.**

*Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқишингиз мумкин.*

Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 50 дан ортиқ депутатлик сўрови давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими раҳбарларига юборилди

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг X пленумига иштирокчиларнинг аксарияти «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Хайрулла Илҳомов сингари ўз таклифлари билан келганди. Чунки пленум давомида сўз сўраганлар кўп бўлди. Ҳар бирининг аниқ фикри, таклифи бор...**




Партия фаоллари ва депутатлар электорат манфаатларини тизимли равишда ўрганиб, таҳлил этиб бориши ҳамда аниқ ташаббуслар билан чиқиши муҳим аҳамиятга эга

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

# Соғлом бола йили ғоялари

***партиямиз Сайловолди дастури билан ҳамоҳанг. Шу боис унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоғимиз зарур.***

Пленум кун тартибига вилоят партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳларининг партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш, Соғлом бола йили муносабати билан вилоят партия кенгашининг Ҳаракат дастурига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ва бошқа долзарб масалалар қўйилди.

— Бугунги ислоҳотлар ва тараққиётнинг ҳозирги босқичи фаолиятимизни яна бир бор танқидий муҳокама этиб, партиямизнинг жамиятдаги ўрни ва ролини сезиларли даражада кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов.** — Бу борада, айниқса, партия фаоллари ва депутатлар электорат манфаатларини тизимли равишда ўрганиб, таҳлил этиб бориши ҳамда аниқ ташаббуслар билан чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Биз халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг назорат фаолияти, депутатлик сўрови институти имкониятларидан янада кенг фойдаланишимиз, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитувини изчил ташкил қилиш ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сессияси ва доимий комиссиялари йиғилишлари муҳокамасига кўпроқ масала киритишга интилишимиз талаб этилади.

**ЎзХДП вилоят кенгаши раҳбарининг таъкидлашича, ўтган йили халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан жойларда учраётган иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 50 дан ортиқ депутатлик сўрови давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими раҳбарларига юборилди. Шунингдек, электорат манфаати ҳимоясига қаратилган 16 та масала доимий комиссияларда, 1 та масала эса сессия муҳокамасига киритилди. Бундан ташқари, Жамоатчилик қабулхоналарига 700 га яқин мурожаат тушган. Уларнинг 87 фоизи ижобий ҳал этилган.**

Аммо вилоят партия ташкилоти етакчиси бу ишлар хотиржамликка тушишга асос бўлолмаслиги, электорат манфаати билан боғлиқ масалаларда янада фаоллик кўрсатиш лозимлигини таъкидлаб, бугунги долзарб вазифалар ҳақида тўхталди. Сўзга чиққанлар амалий ишларни янада кўпайтириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ўз фикрларини билдиришди.

**Зулфия ЗОКИРОВА,**
***ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири:***

— «Соғлом бола йили» ғоялари партиямиз Сайловолди дастуридаги вазифалар билан ҳамоҳанглиги зиммамизга катта масъулият юклайди. Давлат дастури ижросини назорат қилиш билан биргаликда унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этишимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилда болаларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш, бўш вақтини фойдали машғулотларга жалб этиш мақсадида спорт мактаблари моддий-техник базаси мустаҳкамланади. Биз шу жараёнда юзага келаётган муаммоларни ўрганиб, маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига олиб чиқишимиз зарур. Янгийўл туман Кенгашидаги депутатларимиз болалар спортини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқишди. Натижада баъзи муаммолар борлиги маълум бўлди. Бу муаммони туман Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиш ва сессия кун тартибига киритиш режалаштирилган. Ҳар бир туман ва шаҳар партия кенгаши, депутатлик гуруҳи шу каби амалий ишларга асосий эътиборни қаратиши керак, деб ўйлайман.

**Рихси БЕКБЎТАЕВА,**
***«Фаол аёллар» қаноти Чирчиқ шаҳар бўлими етакчиси:***

— Мен «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларимизни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғини, маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Партия Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган **«Хотин-қизларнинг ҳуқуқий-тиббий маданиятини ошириш», «Соғлом бола соғлом оилада камол топади» ва «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови»** мавзуларидаги лойиҳаларни ҳам мана шу ҳамкорлик доирасида давом эттириш яхши самара беради, албатта.

Шуни ҳам айтиш керакки, хотин-қизларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар фарзандларига берилаётган нафақаларнинг манзилли ажратилишини ўрганиш ва юзага келаётган камчиликларни депутатлик гуруҳлари томонидан бартараф этиш мақсадида мониторинг ишлари олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

> **Жамоатчилик қабулхоналарига 700 га яқин мурожаат тушган. Уларнинг 87 фоизи ижобий ҳал этилган.**

Пленум давомида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Хайрулла Илҳомов олис ҳудудлардаги ёшларни сиёсий фаолликка янада кенгроқ жалб этиш, «Ёшлар саломатлиги ва никоҳ» лойиҳаси доирасидаги тадбирларни жонли учрашувлар асосида ўтказиш, «Бўлғуси депутат» клубини ташкил этиш каби таклифларни билдирди. Шунингдек, пленумда **Бўка туманидаги «Ёқутхон-Саид» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Саидислом Сайдуллаев** депутатларга берилган ваколатлардан унумли ва самарали фойдаланиш, **вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари» бўйича ўринбосари Юлдуз Эшонова** эса аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган ишларни янада кучайтириш, **Чиноз туман партия кенгаши раиси Фарҳод Ибрагимов** ижтимоий ҳимоя масаласида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр билдиришди.

Музокаралар чоғида электоратнинг асосий ижтимоий гуруҳлари орасида партия сиёсий позицияси ва дастурий мақсадларини тушунтиришни изчил давом эттириш, ижтимоий-сиёсий тадбирлар аудиториясини кенгайтириш лозимлиги таклиф этилди. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд кишиларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали оилалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳудудларда олиб борилаётган ишларни мониторинг қилиш каби вазифалар белгилаб олинди.

Пленум муҳокама этган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◀ *Давоми. Боши 1-бетда.*

**ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ**

# Парламент эшитувига тайёргарлик кўрилмоқда

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
*ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Таъкидлаш лозимки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш вазифаси давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. Коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларидан кенг фойдаланаётгани, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилиги фаол жалб этилаётгани мазкур вазифа ижросида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида 2014 йилда 980 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдига дастур параметрлари сўзсиз бажарилиши, шунингдек, «корхона-коллеж» алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва шу асосда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилган.

Парламент эшитувининг ташкил этилиши касб-ҳунар эгаллаётган ёшларни иш билан тўлиқ таъминлашда масъулиятни янада кучайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
*ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:*

— Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини касбига мувофиқ ишлаб чиқариш амалиётини корхона, ташкилотларда ташкил этиш ҳамда бандлиги бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Касб-ҳунар коллежлари куни» деб эълон қилиниб, маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари жойлардаги касб-ҳунар коллежлари муаммолари билан яқиндан танишиши ва юзага келган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриши белгилаб қўйилган. Шу асосда битирувчилар амалиётини самарали ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш сифатини кўтаришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилаяпти.

Касб-ҳунар коллежларининг ҳар бир битирувчиси бандлиги бўйича номма-ном маълумотлар махсус электрон базаси компьютер дастури ёрдамида таҳлил қилинмоқда. Республиканинг барча ҳудудларида маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича махсус гуруҳлар фаолият олиб бормоқда.

> **!** **Республиканинг барча ҳудудларида маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича махсус гуруҳлар фаолият олиб бормоқда.**

Шу билан бирга, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ўтказилган ўрганишлар бу борада қилинаётган ишларни янада такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатди.

Мажлисда таъкидландики, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан эришилаётган ютуқлар билан бирга, ушбу ишлар янада самарали бажарилишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди. Шунинг учун 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга доир кўрсаткичларнинг бажарилиши юзасидан парламент назоратини янада кучайтириш лозим бўлади.

Мажлис якунида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш масаласини жойларда янада чуқурроқ ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг ечими юзасидан партиянинг таклифларини шакллантириш, тайёрланган таҳлилий материаллар асосида парламент эшитувини ўтказиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

◀ *Давоми. Боши 1-бетда.*

# Мақсад — қонун устуворлигига эришиш

## қонунларнинг ижро механизмини такомиллаштиришдир

**НУҚТАИ НАЗАР**

**Мамлакатимизда қабул қилинаётган янги қонунларга асосан ҳаётимиз ва фаолиятимизга демократик тамойиллар тобора чуқурроқ жорий этилмоқда.**



**Кимё ШОКИРОВА,**
*халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси*

Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Биргина ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти, депутатлик назоратининг кучайтирилиши кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг самарали механизмини яратиб бермоқда. Демак, биз бу имкониятлардан фойдаланиб, вакиллик ҳокимиятининг ҳудудий ривожланишга, ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида ҳал этилишига таъсирини янада кучайтиришимиз зарур.

Бу жараёнда Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз зиммасига катта масъулият юкланади. Шундай экан, ҳар бир депутат буни чуқур англаши, партия гуруҳи ишини мутлақо янгича асосда, замонавий усулларда ташкил этиши, депутатлик назоратини тизимли олиб бориши талаб этилади.

Қонунлар ва давлат дастурларини ижро этишда маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида юзага келган муаммо, камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этишга кўмак беришда депутат назорати катта аҳамиятга эгалиги тажрибадан яхши маълум. Депутатлик сўрови депутатлик назоратининг энг таъсирчан шаклларидан биридир. Шу боис биз депутатлик сўровларида ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга, камчиликларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратаяпмиз. Масалан, ўтган йили халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари аҳоли мурожаатлари асосида тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига жами 62 та депутатлик сўрови юборди.

> **Ўтган йили халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан қатор масалаларда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан Миробод, Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туман ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.**

Менинг назаримда, ижро ҳокимияти фаолияти устидан депутатлик назоратини жамоатчилик назорати билан уйғун олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу жараёнда депутатлар аҳоли қандай муаммоларга дуч келаётгани, қонунлар қандай ишлаётгани билан бирга, жамиятда қандай қонунларга эҳтиёж борлиги ёки амалдаги қайси қонунга қандай ўзгартиш ва қўшимча киритиш зарурлиги ҳақида таклифлар олади. Шунингдек, бу ижро ҳокимиятининг жавобгарлигини ошириш, зиммасидаги вазифаларни самарали адо этишга ундайди.

Депутатлик назоратининг яна бир кўриниши — давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари раҳбарларининг ҳисоботини эшитишдир. Бу депутатлик гуруҳи, доимий комиссиялар йиғилишлари ва сессияларда амалга оширилади. Бу борада бизда яхши тажриба бор. Хусусан, ўтган йили халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан қатор масалаларда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан Миробод, Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туман ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди. Партия гуруҳимиз йиғилишида «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала юзасидан Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи тингланди. Уларда электоратимиз дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик.

Шу ўринда айтиш жоизки, депутатлик назоратини олиб боришдан мақсад кимнингдир ишини тафтиш қилиш эмас. Мақсад — жамиятда қонун устуворлигига эришиш, қонунлар ижро механизмини такомиллаштириш, қонунларга ҳаёт талаб этаётган, тараққиёт учун йўл очадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан иборат.

Қонунлар жойларда сўзсиз ижро этилсагина одамларнинг ўзига, мамлакат келажагига ишончи мустаҳкамланади, фуқаролар унга таяниб яшайди, ҳар ким ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун курашади. Бундан давлат ҳам, жамият ҳам бирдек манфаатдор бўлади.

**БАНДЛИК**

**Наманган тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман ҳокимлиги, прокуратура, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

# Ёшлар учун иш ўринлари

Унда 70 корхона, ташкилот ва муассаса 360 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди. Жумладан, «Рисолат таъмир қурилиш» хусусий корхонаси, «МРТ Текстиль» қўшма корхонаси, туман халқ таълими бўлими муассасалари томонидан ўнлаб иш ўринлари таклиф этилди.

Тадбирда 93 нафар фуқарога ишга кириш учун йўлланма берилди. Иштирокчилар меҳнат, ижтимоий муҳофаза қонунчилиги, яратилаётган иш ўринлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

— Ирвадон ижтимоий касб-ҳунар коллежининг мактаб ва синфдан ташқари тарбия ишлари йўналишида таҳсил олмоқдаман, — дейди ярмарка иштирокчиси Шаҳодат Орипова. — Яқинда мутахассислик дипломи қўлимизга тегади ва мен олдиндан иш ўрним тайин бўлганидан жуда хурсандман. Тумандаги 33-мактабгача таълим муассасасига ишга йўлланма олдим.

**ЎзА**

# Янги станция ишга тушди

**20 нафар фуқаро иш билан таъминланди**

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**

**Яқинда Денов туманида «Siroj gaz» масъулияти чекланган жамиятига қарашли янги станция иш бошлади.**

Газ баллон ускуналар ўрнатилган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш шохобчасида йўловчи, ҳайдовчи ва ишчи-ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Унда кунига 70 та автоуловга сервис хизмати кўрсатилмоқда.

— Бу нафақат деновликлар, балки қўшни Олтинсой, Сариосиё ва Узун туманларида истиқомат қилувчи 500 минг нафардан ортиқ аҳоли учун ҳам айни муддао бўлди, — дейди **Денов туман Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси раҳбари, ЎзХДП аъзоси Сафар Самадов.** — Мазкур станцияда автомашиналарга ўрнатилаётган мосламалар хавфсизлик кафолати бўлиши баробарида она табиатни асраш, атроф-муҳит тозалагини сақлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси иш бошлаши билан 20 кишининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 6 нафарини коллеж битирувчилари ташкил қилади. Йил охиригача яна 10 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

O`ZBEKISTON OVOZI
• 2014-yil, 22-aprel. Seshanba • 48 (31.795)-son
www.uzbekistonovozi.uz



# Аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш тизими янада мустаҳкамланмоқда

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.***

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи ҳаётда ўз ифодасини топмоқда, — дейди Б.Мустафоев. — Энг муҳими, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган самарали тизим барпо этилди.

Бунда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилингани давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Зеро, ушбу қонунда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг мустақиллигини, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга оид муҳим янги меъёрлар белгиланган.

Қонун мамлакатимиз тараққиётининг муҳим мезони бўлган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишни бундан буён ҳам изчил давом эттиришдек эзгу мақсадга йўналтирилган.

Конституцияга киритилган тузатишларнинг суд фаолиятига оид қисмига тўхталадиган бўлсак, бу аввалambor, фуқароларнинг давлат бошқаруви органлари билан муносабатида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя этиши лозим бўлган фуқаролик, маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиради. Янги таҳрирдаги «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам маъқуллангани судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини янада мукаммаллаштиради. Барча даражалардаги судьяларнинг малака коллегиялари фаолиятини самарали ташкил этиш суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

***— Концепцияга мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимининг янада ислоҳ этилгани судлар фаолиятига қандай ўзгаришлар киритди? Қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда уларнинг аҳамияти қандай бўлмоқда?***

— Дарҳақиқат, кейинги тўрт йилда мамлакатимиз суд тизимида замонавий демократик талаблар асосида амалий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. Бунинг натижасида соҳада ўзига хос янги босқич бошланди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, жиноят ишини юритишда суд назоратини мустаҳкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштириш мақсадида «Хабеас корпус» институти қўлланилиши кенгайтирилди. Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди. Судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Президентимизнинг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилашга оид фармонининг қабул қилингани суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратди. Бу меъёрларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадида 2014 йил 20 январда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодексларига, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

«Судлар тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартишга кўра, энди лавозимига судья бўлаётган шахс ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва ихтисослиги бўйича, аввалambor, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Чунки бу тизимда етарли даражада ишлаш давомида ходим ўз билим ва малакасини ҳар жиҳатдан ошириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг моҳиятини чуқур англаш билан бирга ўзига хос ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлади.

Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқиши ва стажировка ўташи шарт. Бу тартиб-қоидалар соҳага ҳар томонлама етук кадрларни, хусусан, муайян иш тажрибасига эга шахсларни жалб этиш орқали суд ишлари самарадорлигини ошириш, энг муҳими, инсон ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ масалаларни адолатли ҳал этишга замин яратди.

Қонун асосида судьяларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам ойдинлик киритилди. Жумладан, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин аввал эгаллаб турган иши (лавозими), бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса авvalгисига тенг бошқа иш (лавозим) бериладиган бўлди. Бу уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб, Бош Қомусимизда мустаҳкамланган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларининг амалий ифодаси ҳамдир.

Судьяларнинг ваколат муддати тугагандан сўнг уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи янги ваколат муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига жойлаштирилгунга қадар, кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Мазкур ўзгаришлар ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлмиш суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини янада кўтаришга, судьялар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, бу одил судловни сифатли амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий асосда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлашга йўл очмоқда.

2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 173 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари сони 2012 йилга нисбатан 1,5 фоизга камайди. Айрим жиноят турлари, хусусан, ўғирлик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, қасддан танга шикаст етказиш, талончилик каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари камайди. Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса 150 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

***— Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?***

— Таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йил ичида фақат фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари уч-тўрт баробар кўпайди. Бу фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, судларга бўлган ишончи ошиб бораётганидан далолатдир. Бу ишларни малакали ва сифатли кўриб чиқишни янада яхшилаш, шу билан бирга, туман судлари тузилмасини, ҳудудий жойлашуви ва судьялар сонини кўпайтириш лозимлигини кўрсатди.

Президентимиз фармони фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлди. Чунки шу асосда қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 туманлараро (туман) суди тузилиб, судларнинг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди. 2014 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Фориш, Бойсун, Нуробод, Амударё, Учқудуқ туманлари судлари, Пайариқ, Касби, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Пешку, Яккабоғ, Ғаллаорол туманлараро судлари фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш режалаштирилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида Жиззах вилоятининг Фориш, Самарқанд вилоятининг Пайариқ, Қашқадарё вилоятининг Касби, Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманлараро судлари иш бошлади. Бу мазкур ҳудудларда яшовчи аҳолига катта қулайлик яратди. Уларнинг юзлаб чақирим узоқликда жойлашган судларга бориши, мурожаат этиши билан боғлиқ кўплаб муаммоларни бартараф этди.

Шуни ҳам айтиш кераkki, фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур тузилма судьялар мустақиллиги ҳамда уларнинг фақат қонунга бўйсуниши тамойилига қатъий риоя этган ҳолда, судларнинг ижро интизоми билан боғлиқ ишларини назорат қилмоқда.

Бошқарма томонидан «Умумий юрисдикция судлари ташкилий фаолиятини текшириш бўйича йўриқнома», «Умумий юрисдикция судлари аппарати ходимларининг юриш-туриш қоидалари», «Умумий юрисдикция судлари биноларида фуқароларнинг юриш-туриш қоидалари», «Умумий юрисдикция судлари аппарати кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисида»ги ва «Умумий юрисдикция судлари учун ички меҳнат тартиби қоидалари» тўғрисидаги низомлар ҳамда бошқа йўриқномалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Суд амалиётини умумлаштириш бўлими негизида ахборот-таҳлил бўлими тузилди. Унинг ходимлари суд амалиётини умумлаштириш натижаларига оид таҳлилий материаллар тайёрлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, амалдаги қонун ҳужжатларининг суд амалиётида бир хилда ва тўғри татбиқ этилиши юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажармоқда.

Бу каби ишларнинг тизимли равишда ўрганилиб, таҳлил этиб борилиши, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларининг кўрилиши суд ишлари самарадорлиги ошиши ва албатта, ягона суд амалиёти юритилишига хизмат қилмоқда.

***— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2008 йилда Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тузилди. Унга юклатилган вазифалар ижроси бугунги кунда қандай таъминланаётгани хусусида ҳам тўхталсангиз.***

— Ушбу марказнинг ташкил этилгани суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий ва узвий давоми бўлди. Бу ерда қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Марказда соҳага оид ислоҳотлар, қабул қилинган барча қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида акс эттирган ҳамда суд қонунчилигини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган маълумотлар базаси шакллантирилди.

Тадқиқот маркази ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғри ва бир хилда қўлланилишини ўрганиш мақсадида судлар фаолиятини бевосита ўрганиш орқали мониторинг ишларини амалга ошираётир. Бундай таҳлиллар қонунчилик базаси, статистик маълумот, суд амалиётини ўрганиш орқали умумлаштириш, аксарият ҳолларда судья ва суд ходимлари ўртасида ижтимоий сўров олиб бориш йўли билан ўтказилмоқда.

Тизимли таҳлил ва мониторинглар натижаси юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш амалиёти тўла шаклланди. Бунинг натижасида кўплаб янги қонунлар қабул қилиниши билан бирга, айрим қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилишига марказ ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш, экспертларни жалб қилган ҳолда конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш, халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларни амалга ошириш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда. 2013 йилда бу йўналишда қирққа яқин ўрганиш олиб борилди.

Ривожланган мамлакатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва амалиётини ўрганиш ва улар билан тажриба алмашиш мақсадида бевосита АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Польша, Сингапур, Гонконг ва Озарбайжон каби мамлакатлар билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

***— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш қандай самара бермоқда?***

— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, аввало, ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиради. Бу фуқароларнинг вақти, маблағи тежалиши, ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишига кенг йўл очмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозир ушбу лойиҳа амалиётга татбиқ этилиб, шу асосда «E-Sud» электрон судлов миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур ахборот тизими судларда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш, тарафларга суд хабарномаларини ва ҳужжатларини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали жўнатиш, суд ҳужжатларини ишлаб чиқилган намуналар асосида тайёрлаш, суд мажлисларининг ягона тақвимини жорий этиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ва суд ҳисоботларини тузишни автоматлаштириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

2013 йил ноябрь ойидан бошлаб «E-Sud» ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилмоқда. Бугунги кунга келиб мазкур тизим орқали тўрт мингдан ортиқ суд буйруғи бериш ҳақидаги ариза келиб тушди. Улар судья ва суд ходимлари томонидан ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилди.

Лойиҳа доирасида электрон судлов ахборот тизимининг даъво ва шикоят тартибида иш кўришга мўлжалланган қисмлари яқинда синовдан ўтказилади. Бундан ташқари, 2014 йилнинг охирига қадар мазкур тизимнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни қайта кўришга мўлжалланган қисмларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Келажакда суд жараёнларини аудио ва видео воситалари орқали ёзиб олиш, суд жараёнида масофадан иштирок этиш каби қўшимча тизимларни жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар умумий юрисдикция судлари фаолиятини янада такомиллаштириш, одил судловни сифатли амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий асосда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини янада кенгроқ ва тўлароқ таъминлашга хизмат қилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди.**

*Давоми. Боши 1-бетда.*

## Ёшлар билан учрашув

**ТАДБИР**

**Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талаблари ижроси юзасидан ўқувчи-ёшларни республика ички ишлар органлари фаолияти ва қонунчиликка оид янгиликлар билан таништириш мақсадида ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.**

Тадбирда Тошкент биринчи ва иккинчи юридик коллежлари ҳамда Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей ўқувчилари, Республика ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг масъул раҳбарлари, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва курсантлар қатнашди.

Унда мамлакатимизда ёшларнинг ўқиб, билим олиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритилди.

Учрашув якунида курсантлар қўл жанги ва ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**РЕКЛАМА**




## Молиявий мадад — муваффақиятимиз гарови

МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎСИШИ ҲАМДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИБ БЕРМОҚДА. МЕН КАБИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ИСТАГАН ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМ БУ ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНМОҚДА, ДЕСАМ АДАШМАГАН БЎЛАМАН.

Тадбиркорлик фаолиятимни бошлашни кўпдан бери орзу қилардим. Ўтган йил бошида оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, чорвачилик билан шуғулланишни режалаштирдик. Эзгу мақсадимизни амалга оширишда, албатта, молиявий ҳамкорга муҳтож эдик. «Ҳаракатда баракат» шиорига амал қилган ҳолда бизнес-режа ишлаб чиқиб, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Навоий минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Натижада банкнинг чорвачиликни ривожлантириш учун ажратган 50 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига 30 бош қорамол ва омихта ем харид қилдик. Барча оила аъзоларим доимий иш билан таъминланди. Бошлаган ишимиздан барака топдик. Ўтган йил якунларига кўра, 12 миллион сўм даромад олишга эришдик.

Келажакда режаларимиз катта. Уларни амалга оширишимизда ҳам банкнинг молиявий мададига суянамиз. Банк ёрдами муваффақиятларимиз гаровидир.

**Моҳигул МУҲАМЕДОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Кармана тумани.**

## «Tashkent realtor service» МЧЖ

*барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан кичик бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади*

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил департаментининг 2012 йил 18 февралдаги 05/121-13-сонли баённомаси, Қибрай тумани ҳокимининг 2013 йил 10 сентябрдаги 2693-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

Қибрай тумани, Май ҚФЙ, «Бирлик» маҳалласида жойлашган ҳар бири 300 кв.м.дан иборат 6 та ер участкаси (сартарошхона, дорихона, озиқ-овқат дўкони, қурилиш моллари дўкони, гул дўкони, аудио-телевизор таъмирлаш устахонаси). Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 146 690 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қибрай тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 21 май куни соат 18-00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қибрай тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 22 май куни соат 11-00 да очилади, ўша куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 22 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил 7 июнь куни соат 11-00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 6 июнь куни соат 18-00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов савдоси қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қибрай туман ҳокимияти биносида 2014 йил 7 июнь куни соат 11-00 да очилади, ўша куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

***Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:***

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

***Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари:***
«Tashkent Realtor Service» МЧЖ ҳ/р: 20208000804876496001 «Ипак йўли банк» ОАИТБ Тошкент шаҳар, Миробод филиали, МФО :01101, ИНН: 301743808.

***Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш ҳамда мурожаат учун манзил:***
Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, Биржа маркази биноси, 16-хона.
***Тел.*** (8371) 147-40-00, ***факс:*** (8371) 233-06-39,
***электрон почта:*** info@realtorg.uz

*Лицензия RR-0008.*

Бугун миллий терма жамоа таркибининг катта қисми ҳудудий, жумладан, қишлоқ гимнастика мактабларидан саралаб олинган қизлардан иборат

# Нафосат маликалари

## ўзбек спорти шуҳратини дунёга таратмоқда

СПОРТ

**Куала-Лумпур (Малайзия)да бадиий гимнастика бўйича ўтказилган XIII Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашди. Нуфузли мусобақада спортчиларимиз 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган II Бутунжаҳон ўсмирлар Олимпия ўйинларига энг кўп — еттита йўлланмани қўлга киритди.**

Чемпионатнинг кўпкураш баҳсларида иқтидорли спортчимиз Анора Давлатова кумуш медаль ва олимпия йўлланмаси билан тақдирланди.

Гуруҳ баҳсларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Комилабону Рустамова, Сабрина Рамазанова, Гўзал Райманова, Ирина Салех, Карина Тоғаева, Фарангиз Аҳмедова беллашувлар якунига кўра, олтин медаль ва олимпия йўлланмасини қўлга киритди. Жамоавий баҳсларда муносиб қатнашган қизларимиз Жасмин Юсупова, Анора Давлатова ҳамда Нилуфар Шомуродоваларнинг чиқишлари ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди, улар ҳам олтин медалга сазовор бўлдилар.

— Юртимизда болалар спортини, жумладан, унинг нафис турларини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасида бадиий гимнастика қизлар орасида тобора оммалашиб бормоқда, — дейди ***Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи Талия Абдураманова***. — Бунда, айниқса, Ўзбекистон гимнастика федерацияси ва Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг амалий ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этаётир. Ҳозирда мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқаро талабларга мос замонавий спорт иншоотлари барпо этилган. Ҳар бир мактабда, жумладан, қишлоқ мактабларида ҳам турли спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон гимнастика федерацияси томонидан Самарқанддаги гимнастика мактаби реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Шунингдек, гимнастика бўйича Андижон, Бухоро, Жиззах ва Навоий ҳудудий базасига махсус гиламлар тақдим этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қарийб барча шаҳар ва туманларида федерация бўлимлари, кўплаб бадиий гимнастика марказлари ишлаб турибди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмагида вилоят ва туманларда вақтинчалик бўш турган маъмурий бинолар таъмирланиб, уларда бадиий гимнастика марказлари ташкил этилган. Бундан ташқари, ўндан зиёд спорт иншоотида бадиий гимнастика заллари фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ўн-ўн беш йил илгари мамлакат терма жамоаси таркибини асосан пойтахтлик қизлар ташкил этарди. Бугун миллий терма жамоа таркибининг катта қисми ҳудудий, жумладан, қишлоқ гимнастика мактабларидан саралаб олинган қизлардан иборат.



ЎзА олган сурат.

Буларнинг барчаси, аввало, давлатимиз раҳбари томонидан спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва яратилаётган кенг шароитлар самарасидир.

Малайзияда қўлга киритилган муваффақият жойларда бадиий гимнастикани ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларимизнинг тўғри ташкил этилаётганлигини яна бир бор исботлади. Лекин ушбу ютуқларимиз билан чекланиб қолишимиз керак эмас. Янги-янги истеъдодларни кашф этиш, излаб топиш бизнинг ҳар доимги вазифамиз. Бунинг учун кўпроқ изланишимиз, кўплаб турнирлар, мусобақалар уюштиришимиз талаб қилинади. Шу мақсадда яқинда Ўзбекистон гимнастика федерацияси кубоги учун саралаш мусобақалари ўтказилди. Бундан ташқари, йил давомида ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги, «Олимпия умидлари» болалар турнири каби олтита республика мусобақаси, иккита халқаро турнир ўтказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, бадиий гимнастика бўйича Наманганда «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма жамоаси эса кузда Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўладиган ёзги Осиё ўйинларида иштирок қилади. Бу спорт байрамида биз фақат медаллар учун курашамиз ва Ўзбекистон бадиий гимнастикаси нуфузини янада оширишга ҳаракат қиламиз.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ФУТБОЛ

### Иккинчи босқич ғолиблари аниқланди

**Ўзбекистон кубогининг иккинчи босқич баҳслари ўтказилди. 1/16 финал учрашувларида кучлилар номи аниқланди.**



Эътиборлиси, мазкур босқичда олий лиганинг бир йўла тўртта — «Сўғдиёна», «Бухоро», «Машъал» ва «Нефтчи» жамоалари биринчи лига вакилларига имкониятни бой берди. Қўқонда «Қўқон-1912» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлган баҳс, айниқса, шиддатли кечди. Унда асосий ва қўшимча бўлимларда ҳисоб очилмади — 0:0. Пенальтилар сериясида омад қўқонликларга кулиб боқди — 4:2.

Қуръага кўра, энди мусобақанинг 1/8 финал босқичида «Динамо» — «Металлург», «Хотира-79» — «Оқтепа», «Қўқон-1912» — «Пахтакор», «Насаф» — «Андижон», «Навбаҳор» — «Истиқлол», «Қизилқум» — «Олмалиқ» жуфтликлари уй-сафар тизими асосида ўзаро куч синашади.

Дастлабки учрашувлар 11-12 май, жавоб ўйинлари эса 17-18 май кунлари бўлиб ўтади. «Бунёдкор» ва «Локомотив» жамоалари эса 1/4 финал босқичидан баҳсларга қўшилади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ**

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

**Миллий матбуот марказида Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси қандай таъминланаётганига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

# Чет тилларни ўргатишнинг самарали усуллари



ЎзА олган сурат.

Анжуманда Халқ таълими вазири Улуғбек Инаятов чет тиллари ўқитилишини такомиллаштиришга қаратилган қарорларнинг мазмун-моҳияти ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилдан чет тилларни, асосан инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида турли ўйин ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш тарзида босқичма-босқич ўтила бошланди.

Шунга кўра, барча умумтаълим мактабларининг бошланғич синф хоналари ўқув адабиётлари, луғатлар ва DVD билан таъминланди. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. 1-9 синфлар учун инглиз тилида 80, немис ва француз тилида 28 тадан чет тили ўқув дастурлари яратилди.

— Биринчи синф ўқувчилари учун яратилган **«Kid's English»** дарслик мажмуаси фарзандларимизнинг инглиз тилини пухта ўзлаштиришида қўл келмоқда, — дейди **Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг хорижий тиллар кафедраси мудири Клара Иноғомова.** — Мазкур мажмуадан ўрин олган ўқувчи китоби, ўқитувчи учун қўлланма ва мультимедиали диск синовдан муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда уни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чет тилини ўргатиш бўйича 194 та таянч мактаблари танлаб олинган бўлиб, тадбир аввалида Юнусобод туманидаги 260-инглиз тилига ихтисослаштирилган мактабнинг дарс жараёнлари кузатилди.

— Бугунги дарсимизнинг мавзуси **«How old are you»** деб номланади. Биз китобдаги тортларни бўяш ва шамчалар ёрдамида неча ёшда эканлигимизни айтиб беришимиз керак, — дейди **260-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Зиёда Орипова.**

Шубҳасиз, бундай жараёнлар ёш авлод чет тилларини пухта ўрганишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Ферузабону НАБИЕВА,**
**ЎзДЖТУ магистранти.**

# «Китобхонлар байрами»

ТАНЛОВ

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ана шундай номланган маданий-маърифий танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Китоб — инсонни улуғлайдиган, жамиятда маънавият ва маърифатни юксалтирадиган кучдир. Интернет, мобиль алоқа воситаларининг кўпайганига қарамасдан китоб ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Бу тадбир олий таълим муассасаларининг «Маънавият ва маърифат» бўлимлари, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқарувининг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Унда пойтахтимизнинг олий таълим муассасаларидан келган талабалар турли йўналишлар бўйича ўз билимларини намойиш этишди. Якуний натижаларга кўра, танловнинг **«Китоб — тафаккур хазинаси»** йўналиши бўйича Тошкент давлат юридик университети талабаси Шерзод Ражабов, **«Бадиий асарларнинг энг фаол тарғиботчиси»** йўналиши бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Беҳруз Авазов, **«Ёш ижодкор талаба»** йўналиши бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Кумуш Ўсаровалар ғолиб деб топилди. Улар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлдилар.

— Ушбу танловга тайёргарлик жараёнида катта масъулиятни ҳис этиб турдим, — дейди Кумуш Ўсарова. — Ғолиб бўлгач, масъулият янада ошди. Республика босқичида ҳам ғолибликка ҳаракат қиламан. Энг муҳими, бу танлов бизнинг руҳимизни кўтармоқда, ўзимизга бўлган ишончни оширмоқда.

**Саидбобур МАКСУМОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Яқин кўмакчи, ишончли ҳамкор




**Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибида рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар турлари ва ҳажмлари ошмоқда. Президентимизнинг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.**

Ўтган қисқа вақт ичида жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини кенгайтиришда уларнинг яқин кўмакчиси ва ишончли таянчига айланди.

Хусусан, жамғарманинг Навоий вилояти филиали жамоаси тадбиркорларга ишлаб чиқараётган маҳсулотларини экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишда муайян ютуқларга эришмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий вилояти ҳудудида жойлашган 561 та саноат соҳасида фаолият юритаётган 13 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий қиймати 2820,00 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматлари экспорт қилинди, — дейди **филиал директори Илҳом Темиров.** — Жумладан, «Karmana Gips Maxsulotlari» ҚК МЧЖга хорижий ҳамкорни топишдаги кўмагимиз натижасида 170,24 минг АҚШ доллари миқдоридаги қурилиш моллари экспорт қилинди. Ҳуқуқий маслаҳатимизга кўра, «Triumf Gornyak» МЧЖ 66,24 минг АҚШ доллари миқдоридаги оҳакни экспорт қилишга эришди. Бундай мисолларни узоқ давом эттиришимиз мумкин.

**Жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий вилояти ҳудудида жойлашган 561 та саноат соҳасида фаолият юритаётган 13 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий қиймати 2820,00 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматлари экспорт қилинди.**

— Хорижий ҳамкорларни топиб, маҳсулотларимизни экспорт қилишни кўпдан буён ният қилиб юрардик, — дейди **«Навои Лакокраска» МЧЖ раҳбари Келдиёр Хушмуродов.** — Жамғарма ёрдами туфайли орзуимиз ушалди. Унинг кўмагида Қозоғистондан ҳамкор топиб, маҳсулотларимизни экспорт қилиш имконига эга бўлдик. Ҳозирда 800,00 минг АҚШ доллари атрофида экспорт шартномасини имзолашни режалаштирганмиз.

Маълумки, ишлаб чиқариш субъектларининг турли халқаро кўргазмалардаги иштироки хорижий ҳамкорларни топиш ва маҳсулотларни экспорт қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Жамғарма томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бу борада ҳам яқиндан ёрдам берилмоқда. Жумладан, унинг кўмагида Кармана туманидаги «Чевар-Муниса» хусусий корхонаси жорий йил май ойида Хитойнинг Сиян шаҳрида ўтадиган халқаро кўргазмада иштирок этади.

Мухтасар айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва унинг Навоий вилояти филиали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишда яқин кўмакчи ва ишончли ҳамкорга айланмоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ОБ-ҲАВО 22-23 — 04. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +7 / +12 | +23 / +28 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +7 / +12 | +23 / +28 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +7 / +12 | +23 / +28 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +10 / +15 | +24 / +29 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +7 / +12 | +23 / +28 |
| Тошкент шаҳри | +8 / +10 | +26 / +28 |

Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +14 / +15 |
| Париж | +19 / +21 |
| Москва | +20 / +14 |
| Мадрид | +19 / +20 |
| Пекин | +27 / +27 |
| Канберра | +21 / +20 |
| Рим | +23 / +23 |
| Афина | +24 / +23 |
| Токио | +20 / +20 |
| Стокгольм | +17 / +11 |
| Кейптаун | +20 / +19 |
| Қоҳира | +31 / +35 |
| Гавана | +29 / +29 |
| Вашингтон | +24 / +18 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460
19546 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 01.40
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5